

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/31.03.2021.Fil.78.04
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АЛЛАЯРОВА ЗЕБИНИСО БОЙМУРАТОВНА

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА АГРАР СОҲА ТЕРМИНЛАРИНИНГ
ТИПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз - 2022

УДК:811.512.133`373.46:63
811.111`373.46:63

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Аллаярова Зебинисо Боймуротовна

Ўзбек ва инглиз тилларида аграр соҳа терминларининг типологик хусусиятлари
..... 5

Аллаярова Зебинисо Боймуротовна

Типологические особенности сельскохозяйственных терминов в узбекском и
английском языках 28

Allayarova Zebiniso Boymurotovna

Typological features of agricultural terms in Uzbek and English 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ 60

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/31.03.2021.Fil.78.04
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

АЛЛАЯРОВА ЗЕБИНИСО БОЙМУРОТОВНА

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА АГРАР СОҲА ТЕРМИНЛАРИНИНГ
ТИПОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз- 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Fil309 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университети Педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг e-mail: termizdu@umail.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саъдуллаева Нилуфар Азимбаевна
филология фанлари доктори, доцент

Абдиев Муродқосим Болбекович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «22» август соат 13 00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: (876) 221-74-55; факс: (876) 221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz)

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (~~70~~ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел.: (876) 221-74-55.

Диссертация автореферати 2022 йил « 15 » 08 да тарқатилди.
(2022 йил « 15 » 08 даги 13 - рақамли реестр баённомаси)



Б. Умуркулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филология фанлари доктори, профессор

А. Эшмўминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори, доцент

Ш. Махмараймова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ижтимоий ҳаётнинг соҳалари ривож, уларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохот ва ўзгаришлар миллий лисоний онгда ҳам улкан янгиланишларни вужудга келтирди. Ижтимоий ҳаёт ва тафаккур, тил ва маданият яхлитлиги борлиқнинг лисоний таснифи борасида муҳим ўзгаришларни шакллантиради. Мамлакатимизда деҳқончилик ва аграр соҳанинг ривожланиши, унга бўлган янгича ёндашувлар деҳқончилик лексикаси ва аграр соҳа терминологиясида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, халқаро аграр муносабатлар, соҳалараро интеграцияси, амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ соҳада янги тушунчаларнинг шаклланиши, янгиланиши ҳисобига мавжуд терминологик тизим таркибининг ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан ўзгаришига олиб келмоқда. Бу эса турли тилларнинг лексикаси ва терминологиясининг мунтазам тадқиқи ва тартибга солинишини тақозо қилади.

Жаҳон тилшунослигида лисоний ҳодисаларни антропоцентрик тамойиллар асосида, маданиятлараро алоқалар дискурсида тадқиқ ва талқин қилиш, лисоний бирликларнинг коммуникатив-лисоний, лингвомаданий, социолингвистик, когнитив хусусиятларини ўрганиш масалалари оммалашмоқда. Хусусан, аграр соҳа концептосферасига мансуб терминологик бирликларни концептуал асосларда чоғиштириш, терминларнинг лисоний қийматини белгилаш, умуммиллий қолиплар асосида қиёсий таҳлил қилиш долзарблик касб этади.

Ўзбек ва инглиз тилларида агротерминларнинг морфологик, структур-семантик хусусиятлари, лексикографик тавсифи, концептуал белгиларининг чоғиштирилиши агротерминларнинг лисоний-концептуал қийматини белгилаш учун хизмат қилади. Аграр соҳанинг ривожланиш ва ислохотлар даврида ахборот алмашиш қўлами ва воситаларнинг кун сайин кенгайиб бориши, мамлакатимизда аграр соҳа ва саноатнинг интеграциялашуви хорижий тиллар, инглиз тилига нисбатан муносабатни янада кучайтириш, тилларнинг қўлланиш соҳаси ва татбиқ доирасини янада кенгайтиришни тақозо қилади. “Кейинги йилларда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида янада чуқур интеграциялашувини таъминлаш мақсадида чет тилларни, хусусан, инглиз тилини ўқитишнинг комплекс тизими яратилиб, амалда кенг жорий этилмоқда”¹. Бинобарин, турли тилларга мансуб терминларни ўзлаштириш, қиёсий ўрганиш, таржима луғатларни мукаммаллаштириш масаласига жиддий ёндашув асосида ўзбек тили лексикаси, хусусан, терминлар тизимини холис баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги № ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йилнинг 17 февралдаги ПҚ-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон Фармони /Lex.uz.

2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ВМҚ-304-сон, 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари тараққиётининг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Терминология масалалари ҳар доим тилшунослик соҳасининг долзарб масалалари марказида бўлиб келган. Дунё тилшунослигида умумий ва хусусий терминология масалалари, терминларнинг шаклланиши, уларга хос лексик-семантик, грамматик, терминологик хусусиятлар мунтазам ўрганилиб келинмоқда². Аграр соҳа оид терминларни турли даражадаги лингвистик муаммоларини ўрганиш узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ўзбек тили аграр соҳа атмаларининг тарихий генезиси Урхун-Энасой битиклари (VI-VII а.), Маҳмуд Кошғарий (1029-1101)нинг “Девони луғотит турк”, Юсуф Хос Ҳожиб (1020-1075)нинг “Қутадғу билиг”, Носириддин Бурҳониддин Рабғузий (XII-XIV а.)нинг “Қиссаси Рабғузий”, Алишер Навоий (1441-1501)нинг “Муҳакамат-ул луғатайн”, Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483-1530)нинг “Бобурнома” асарларига бориб тақалади, уларда маълум даражада тавсиф этилган. “XVI асрда Ҳиротда яшаган Ниёзий исмли боғбон форс тилида “Иршод ул зироат” (“Дехқончиликка йўлланма”) номли асар ёзган. Унинг қадимий нусхаларидан бири ТошДШУ қошидаги Шарқ кўлёзмалари марказининг кўлёзмалар фондида сақланади. Бундан ташқари, муаллифи номаълум “Фани кишти зироат” (“Экин экиш фани”) номли асар ҳам бухоролик Порсоев деган киши бу асарни баъзи

²Rondeau G. Introduction ‘a la terminology. – Montreal, 1981; Felber H. Terminology. – Manual P., 1984; Pandurangan M. Literary forms&terms. – Chennai: Nivethita, 2004; Sue Ellen Wright & Gerhard Budin. Handbook of terminology management. – Amsterdam: John Benjamins Publishing Company, 2001. – 564 p.; Алексеева Л.М. Термин ва метафора. – Пермь, 1998 с 136; Будагов Р.А. Терминология и семиотика // по изд. Вестник МГУ, Москва 1972; Володина М.Н. Национальное и интернациональное в процессе терминологической номинации. – Москва, 1993; Герд А.С., Нерознак В.П. Проблема формирования научной терминологии. – Ленинград, 1968; Дегтерева И.А. Исследование современного содержания и развития терминов литературоведения на материале английской и русской литературоведческой терминологии. – Москва, 2002. – 194 с; Лейчик В.М. Проблемы отечественного терминоведения в конце XX века // Вопросы филологии (№2(5)). – Москва, 1999; Марчук Ю.Н. Основы терминографии. – Москва, 1992; Палиевская Ю.Д. Терминология английского литературоведения как система: Дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 1983; Рождественский Ю.В. О смысловой систематизации терминов. – Москва, 1972; Татаринов В.А. Теория терминоведения. Зтт. – Москва, 1996.

тўлдиришлар билан 1912 йилда Когонда нашр қилган”³. Маҳмуд Ҳасаний томонидан иккинчи асар таржима қилиниб “Зироатнома” номи билан нашр этилган. Маҳмуд ибн Валийнинг “Бахр-ул асрор” (“Сирлар денгизи”) номли қомусий асарида ўтмишда мавжуд бўлган полиз экинлари ва уларнинг аталиши мукаммал баён қилинган. Олим томонидан нашр этилган “Қадимий боғдорчилик изоҳли луғати”да 1000 га яқин Марказий Осиё боғдорчилигига оид атамаларнинг араб, форс ва ўзбек тилларидаги изоҳи келтирилган.

Инглиз тили агротерминлари бўйича ҳам қатор тадқиқотлар олиб борилган, махсус луғатлар яратилган, соҳа терминлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Жумладан, Ҳайзер Бетменн, Стив Куртис ва Кэйт Мак Адам томонидан инглиз тилидаги аграр соҳа терминларига бағишланган илмий тадқиқот иши олиб борилган, “*Dictionary of Agriculture*” изоҳли луғати тузилган. Мишель Мод, Андроу Ф.Грифс, Кевин Роуз, Трой Даггерлар ҳаммуаллифлигида “*A Beginning of Farmer’s Guide to Agriculture words, terms and definitions*” номли фермерлар учун агротерминлар қўлланмаси, Р.Скот Фрей томонидан “*A Glossary of Agriculture, Environment, and Sustainable development*”, А.К.Сингх ва Н.П.Сингх томонидан “*Agricultural Terminology*”, Доктор П.Чандра Шекхара “*Farmer’s Handbook on Basic Agriculture*” номли фермерлар учун қўлланма ва глоссарийлар нашр эттирилган⁴.

Ўзбек тилшунослигида терминология масалалари С.Акобиров, Н.Ҳотамов, Х.Бакаева, Т.Турсунова, О.Усмонов, Р.Дониёров, А.Ҳожиёв, Ғ.Абдурахманов, Ҳ.Дадабоев, А.Мадвалиев, З.Мирахмедова каби тилшунослар томонидан тадқиқ қилинган⁵. Шунингдек, И.Х. Садикова, С.Х. Нурматова, П.П.Нишонов,

³Ҳасаний М. Қадимий боғдорчилик изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.174

⁴Heather Bateman, Steve Curtis, Katy McAdam. Dictionary of Agriculture. A & C Black Publishers Ltd, 2006. 38 Soho Square. – London, W1D 3HB. – 289 p.; Mitchel Mode, Andrew F. Griffith, Kevin Rose, Troy Dugger. A Beginning of Farmer’s Guide to Agriculture words, terms and definitions. – Tennessee State University Cooperative Extension, 2021. – P 12; R. Scott Frey. A Glossary of Agriculture, Environment, and Sustainable development. – Bulletin, 661. Agricultural Experiment Station P 26 ., Kansas State University Marc Johnson, Director Current information is available from <http://www.ksre.ksu.edu.>, Dr. P. Chandra Shekara. Farmer’s Handbook on Basic Agriculture Desai Fruits & Vegetables Pvt. Ltd. Navsari, Gujarat India Second Edition: August 2016. – P 154 .; A.K.Singh, N.P.Singh. Agricultural Terminology. Concept Publishing Company. – New Delhi, 2004. – 245 p.; Reena Sharma. Agronomy Terminology <https://www.amazon.in/Agronomy-Terminology-Reena-Sharma/dp/9350301768>, Alan Stephan. Dictionary of Agriculture. Fitzroy Dearborn Publishers, 1998. – P 277; "NAL Agricultural Glossary Search Results", Agricultural Thesaurus and Glossary, National Agricultural Library. United States Department of Agriculture. Retrieved 11 October 2019; "Farm World Agricultural Glossary". Farm World. Mid Country Media USA. Retrieved 30 October 2019. Stephens, Alan (1998), Dictionary of agriculture (2nd ed.). Chicago: Fitzroy Dearborn Publishers. ISBN 1579580769. Retrieved 10 February 2021, "Agriculture: A Glossary of Terms, Programs, and Laws, 2005 Edition" [97-905] (PDF), CRS Report for Congress. Congressional Research Service. June 16, 2005.

⁵Акобиров С. Терминология ишининг мазмуни ва вазифалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964. – №3. – Б. 36.; Бакаева Х. терминология золототшвейного производства Бухары и Гиждувана: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1970. – 153 с.; Турсунова (Дадахонова) Т. Чеварчилик сўз-терминларининг пайдо бўлиш манбалари / Тилшунослик масалалари. – Тошкент, 1970. – Б. 3-19.; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 1988. – 346 б.; Усманов А.Н. Ўзбек тилида термин ясовчи фаол аффикслар. – Тошкент, 1991; Ҳожиёв А. Термин танлаш мезонлари. – Тошкент, 1996; Абдурахмонов Ғ. Терминология муаммолари // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари: 1-республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент, 1986. – Б. 3-4.; Дониёров Р. Терминларни тартибга солиш – ҳаётий вазифалардан бири // Ўша манба. – Б. 5-6.; Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2017; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент: Ёзувчи, 1991. – 186 с.; Мирахмедова З. Ўзбек тилининг анатомик терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. – Тошкент, 2010.

О.С.Ахмедов, Д.Х.Кадирбекова, Ҳ.В. Мирзахмедова, Д.И.Ходжаева каби олимлар ўзбек тили терминларининг ўзга тиллар билан қиёсий тадқиқини амалга оширган⁶.

Ўзбек тилининг деҳқончилик лексикаси бўйича айрим ишлар бажарилган бўлса-да⁷, айнан ўзбек ва инглиз тилларидаги аграр соҳа терминлари қиёсий аспектда махсус монографик тарзда ўрганилмаган. Бинобарин, инглиз ва ўзбек тиллари агротерминларини ўзаро чоғиштириш, икки тилдаги аграр соҳа тушунчаларининг концептуал асослари, уларнинг лисоний-структур хусусиятлари, лексикографик талқини билан боғлиқ масалалар ўз ечимини кутмоқда. Бу эса мавзу доирасидаги масаланинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети Педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган “Ўзбек тилининг замонавий лексикографияси ва терминология масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек ва инглиз тилларидаги аграр соҳа терминларининг лисоний қиймати, концептуал асосларини белгилаш, лисоний-структур хусусиятларини таҳлил қилиш, лексикографик тавсифларини мукаммаллаштиришга доир масалаларни ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- илмий нутқ лексикаси, илмий-техникавий тафаккур ва терминология муаммоларини тавсифлаш;
- аграр соҳа ва деҳқончилик терминларининг концептуал муносабатини ўрганиш, ёритиш;
- ўзбек тилига ўзга тиллардан термин ўзлаштириш тамойилларини аниқлаш;

⁶Садыкова И.Х. Принципы составления англо-русско-узбекского учебного словаря юридических терминов: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1998. – 174 с.; Нурматова С.Х. Истоки формирования и функционирование астроавиакосмической терминологии в лексике английского, русского и узбекского языков: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 2000. – 24 с.; Нишонов П.П. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 25 б.; Ахмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ-божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2016. – 255 б.; Кадирбекова Д.Х. Инглизча-ўзбекча ахборот-коммуникация технологиялари терминологияси ва унинг лексикографик хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 44 б.; Мирзахмедова Ҳ.В. Форс тили транспорт терминларининг структур қатламлари ва ясаиш усуллари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 45 б.; Ходжаева Д.И. Тилшунослик терминларининг лексикографик таҳлили (инглиз, рус ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари мисолида): Филол. фан. бўйича фалс. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 53 б.

⁷Муҳаммаджонов А. “Посиро” этно-топоними ва атамасининг этимонида ижтимоий-аграр муносабатлар // Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдишлари ва замонавий жараёнлар мавзусидаги 37-йиғилиш материаллари. – Тошкент, 2006. – Б. 77-83.; Аширов А. “Авесто” ва қадимий деҳқончилик анъаналари хусусида айрим мулоҳазалар // Общественные науки в Узбекистане. 2005. – № 1-2. – Б. 112-117.; Жўраев Б. “Деҳқон” сўзи қаердан келиб чиққан? // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966. – № 3. – Б. 85.; Содиков Т. Об компонентли сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1982. – № 1. – Б. 57-59; Неъматова Г. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1997; Жабборов Х. Ўзбек тилининг суғориш лексикаси. – Қарши: Насаф, 2004. – 155 б.; Жабборов Х. Ўзбек тилининг деҳқончилик лексикаси. Монография. – Тошкент: ФАН, 2011. – 160 б.

- олиб келди аграр соҳа ва деҳқончилик терминларининг генетик асосларини аниқлаш ва таснифлаш;
- ўз қатлам агротерминларнинг лисоний-структур, лексик-семантик хусусиятларини ўрганиш, таснифлаш;
- агротерминларнинг маъновий кўламини текшириш, моносемантик ва полисемантик терминларни шарҳлаш, агротерминларнинг ясалиш асос ва воситаларини аниқлаш;
- ўзбек ва инглиз тили аграр соҳа терминларининг таржима луғатлардаги талқинларини тавсифлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек ва инглиз тилларидаги аграр соҳа ва деҳқончиликка мансуб терминологик бирликлар, изоҳли ва таржима луғатлардаги аграр соҳа терминлари олинди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек ва инглиз тиллари агротерминларининг лисоний, концептуал, лексикографик асослари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида лексикологик, лексикографик, қиёслаш, дистрибутив, оппозитив, таснифлаш ва статистик методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

термин ўзлаштиришда фарқлаш, тўлдириш, қулайлик, айнанлик, муайянлик, замонавийлик каби тамойиллар, хусусан, инглиз тилидаги аграр соҳа терминларини ўзлаштиришда айнанлик ва муайянлик тамойиллари устуворлик қилиши асосланган;

ўзбек ва инглиз тиллари агротерминлари тарихий-этимологик (ўз қатлам, ўзлашган қатлам), лисоний-структур (содда ва мураккаб), лексик-семантик асосларига кўра (бир маъноли агротерминлар, кўп маъноли агротерминлар) таснифланиши аниқланган;

ўзбек ва инглиз тилларидаги агротерминларнинг моносемантик ва полисемантик хусусиятлари, ясалиш асос ва воситалари далилланди: ўзбек тилининг деҳқончилик соҳаси билан боғлиқ терминлари тизимининг асосий қисмини ўз қатлам ташкил этса, инглиз тилида эса аксинча бўлиб, агротерминларнинг асосий қисми ўзлашган қатламдан иборат эканлиги далилланган;

ўзбек ва инглиз тилларидаги агротерминларнинг муштарак (қиёсланаётган тиллардаги сўзнинг бошланишида agro ёки gidro элементи бўлган сўзлар фақат терминологик маъно касб этиб, улар моносемантиклиги билан ажралиб туради) ва фарқли хусусиятлари (айрим инглизча сўзларнинг эквиваленти бир сўз билан ифодаланмайди, чунки бундай сўзлар одатда инглиз маданиятига хос), ўзбек тилининг деҳқончилик лексикасига мансуб айрим сўз-терминлар инглиз тилида бир неча эквивалентига эга бўлган ҳолатлар ҳам таржима луғатлари асосида аниқланди, ўзбек ва инглиз тили аграр соҳа терминларининг ўзаро таржимасидаги лексикографик талқинига доир тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илмий-техникавий тафаккур ва терминология муаммолари, терминология соҳасининг долзарб вазифалари шарҳланган;

аграр соҳа терминлари тизими қишлоқ хўжалиги мавзуй тўдасининг таркибий қисми сифатида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик мазмуний майдонлардан; деҳқончилик мазмуний майдони эса далачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, ўрмончилик лексик-семантик гуруҳлардан таркиб топиши далилланган;

Ўзбек ва инглиз тилларидаги деҳқончилик ва аграр соҳа билан боғлиқ концепт моҳияти очиқ берилган. Икки тилга мансуб агротерминларнинг лисоний қиймати географик муҳит, ижтимоий маданият билан боғлиқ ҳолда шаклланиши асосланган;

Ўзбек тилининг агротерминлари лексик-грамматик асосларда тасниф қилинган, ўзбек ва инглиз тили агротерминларининг умумий ва фарқли хусусиятлари таржима луғатлари асосида аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда жалб этилган назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, қўлланилган ёндашув усуллари, келтирилган таҳлил, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, унинг хулоса ва натижалари “Лексикология”, “Лексикография”, “Терминология”, “Терминография”, “Қиёсий тилшунослик”, “Таржимашунослик” каби фанларнинг тегишли ўринларини янги назарий маълумотлар билан бойитади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида терминология, терминография, лексикология, таржимашунослик, лексикография назарияси фанларидан махсус курс ўтишда, шунингдек, ушбу фанлар бўйича дарслик, қўлланма ва услубий тавсиялар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқотнинг хулоса ва материалларидан инглиз, ўзбек тилларида ўтказиладиган амалий машғулотларда, миллий тил корпуси маълумотлар базасини тўлдиришда ҳамда ўқув қўлланма ва магистрлик ишларини ёзишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек ва инглиз тилларидаги аграр соҳа терминларининг тадқиқи жараёнида олинган илмий натижа ва хулосалар асосида:

қишлоқ хўжалиги ва деҳқончилик терминларининг юзага келиш асослари, ўзгариши, нутқ ва луғатларда қўлланилиши, янги маъно касб этиши, ўзбек ва инглиз тилидаги аграр соҳа терминларининг таржима жараёнидаги тафовутлари, иқлим ва географик омиллар таъсири билан боғлиқ илмий хулосаларидан А-QX-2019-12 рақамли “Шўрланган тупроқларда ҳосилдорликни оширувчи чидамли ўсимликларни етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат аграр университетининг 2021 йил 22 сентябрдаги 1/4-1-2681-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳада қўлланилган аграр соҳа терминларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри қўллаш имконини берган;

Ўзбек тилида аграр соҳани билдирувчи тушунчаларнинг лисоний ифодаси бўлган терминларнинг нутқ ва лексикографик функционалиги нуқтаи

назаридан динамик характери, маъно ўзгариш каби хусусиятларга эга эканлиги билан боғлиқ илмий хулосаларидан I-ОТ-2019-24 рақамли 1/4 -1-2696 рақамли “Сирдарё вилояти шўрланган тупроқ майдонларида қишлоқ хўжалик ҳосилдорлигини ошириш, чорвачиликни озуқабоп сифатли ем-хашак базасини ривожлантиришда юқори ҳосилдор қашқарбедани етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Тошкент давлат аграр университетининг 2021 йил 23 сентябрдаги 1/4-1-2696-сон маълумотномаси). Натижада аграр соҳа терминларининг қўлланиш доираси ва соҳаси, тушунча ифодалаш қўлами, семантик, неотерминологик ҳамда фаоллик хусусияти асосида лойиҳанинг хулоса ва ҳисоботларида терминологик бирликларнинг тўғри қўлланиши таъминланган;

аграр соҳа терминларининг тил тизимидаги ўрни, аҳамияти, хусусан, миллий терминологияни ривожлантиришда бошқа тиллардан кириб келган айрим терминларнинг ўзбек тилидаги муқобилларидан фойдаланишга доир таҳлил ва хулосаларидан Қашқадарё вилоят телерадиокомпаниясининг Олтин воҳа дастуридаги “Тил – миллат кўзгуси”, “Мунозара” номли эшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг 17-05/19 рақамли маълумотномаси). Қашқадарё телерадиокомпаниясининг “Агросабок” телеэфирида “Ўқув терминологик луғат яратишнинг асосий мезонлари”, “Ўзбек тилидаги деҳқончилик ва аграр соҳа терминларининг концептуал муносабати” мавзуларидаги чиқишлар билан телетомошабинларнинг ўқув луғатлари ҳақидаги тасаввурлари бойишига ҳисса қўшилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 15 та, жумладан, 6 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан, 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 133 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалари берилган, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, жорийланиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Терминология муаммолари ва терминларнинг лисоний қиймати масаласи**” деб номланган. Боб таркибида илмий-техникавий тафаккур ва терминология муаммолари, *аграр соҳа* ва *деҳқончилик* терминларининг концептуал муносабати, лисоний қийматининг концептуал асослари юзасидан фикр юритилади.

Турли тилларга мансуб терминлар, терминологиянинг назарий муаммолари билан шуғулланган Г.О.Винокур, А.А.Реформатский, В.В.Виноградов, С.Г.Бархударов, О.С.Ахманова, К.А.Левковская, Б.Н.Головин, В.П.Даниленко, В.М.Лейчик, шунингдек, муаммонинг амалий жиҳатларини ўрганган Д.С.Лотте, С.А.Чаплигина, С.И.Коршунова, Г.Л.Канделаки тадқиқотларида терминология сўзи асосан икки маънода қўлланилган: 1.Терминология – муайян соҳаларда махсус маънони ифодаловчи сўз ва сўз бирикмалари мажмуи. 2.Терминология – терминларнинг грамматик сатҳдаги ўрни ва тилда амал қилиш билан боғлиқ бўлган муайян қонуниятларни ўрганиш билан шуғулланувчи лингвистиканинг алоҳида аспекти⁸. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида термин сўзига қуйидагича таъриф берилган: “Термин [лот. terminus – чек, чегара] Фан, техника, касб-хунарнинг бирор соҳасига хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси; атама”⁹.

XX асрнинг 70-йилларида нашр этилган “The World Encyclopedia Dictionary” луғатида термин сўзи қуйидагича тавсифланган: “Terminology – the special words or terms used in science, art, business and economy”¹⁰. (Терминология фанда, санъатда, бизнес ва иқтисодда ишлатиладиган махсус сўзлардир)” Демак, термин бу муайян соҳа ёки соҳалар доирасида қўлланиувчи аниқ маънони ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмаси. Муайян соҳа илмий лексикасининг ички тармоқлари хусусиятларини кўрсатиш учун унинг лексикасига хос соҳавий семик хусусиятлари ва микросистемалардаги ички модификациясини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш катта аҳамият касб этади.

Тилнинг лексик қонуниятлари унинг терминологик системасида ҳам тўлақонли акс этади. Муайян тил лексикасида бўлгани каби унинг терминологик тизимида ҳам ўз ва ўзлашган қатлам фарқланади. Бу ҳолат терминологик қатламлар ижтимоий онгда алоҳида-алоҳида тизимлар сифатида мавжуд бўлиб, уларнинг ўзаро вариантлилиқ, маънодошлиқ, шаклдошлиқ, қолаверса, талаффуздошлиқ жиҳатдан алоқадорлиги, шунингдек, терминларнинг аниқлиқ ва тор маънолилиқ, ихтисослашганлик белгилари, айниқса, термин олишнинг апеллятив лексикадан фарқли ўлароқ йўналтирилган онгли шакллантирилиш табиати қатор муаммоларни келтириб чиқаришини айтиб ўтиш ўринли. Бу борада Е.Б.Алексеев, А.С.Герд, Г.Н.Горностаев, И.Груль, В.П.Даниленко, Е.П.Ефремов, Н.А.Крилов, Е.С.Кубрякова, Д.С.Лотте, О.П.Фролова, Л.П.Крысин, А.З.Цисик каби

⁸Лейчик В.М. Номенклатура-промежуточное звено междутерминами и собственными именами // Вопросы терминологии и лингвистической статистики. – Воронеж, 1971. – 161 с.

⁹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли.4- жилд. – Тошкент, 2007. – Б. 73-74.

¹⁰Sherman Le Roy Wallace. Taxation in Egypt. Princeton. – N. J.:Princeton University Press, 1938. – P 521

терминологларнинг ишларини алоҳида таъкидламоқ жоиз¹¹. Л.П.Крысин томонидан термин сўзи қуйидагича изоҳланади: “термин лотинча “termus” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “охири”, “чек”, “чегара”, “тугаш” деган маъноларни билдиради”. В.П.Даниленко терминлар луғат таркибининг бир қисмини ташкил этишини, муайян фан ва соҳа лексик бирликларининг аниқ номи эканлигини таъкидлайди¹².

Илмий функционал лексика ҳолати лисоний жамият илмий-техник салоҳиятининг, илмий нутқ ва илмий тафаккурнинг яхлитлик даражаси ўлчовидир. Илмий нутқнинг лексик хусусиятлари борлиқ ходисаларининг лисоний идроки, таснифи ва тавсифи, функционал лексикада борлиқ аксининг қанчалик объектив ифодаланиши, тиллараро лексик интеграциянинг тадқиқи билан шуғулланувчи йўналишларининг яратилишига ёрдам беради. Рус, инглиз, француз ва бошқа тилларнинг илмий услуби аллақачон шаклланиб улгурди, уларда тилнинг барча сатҳларига хос, айниқса, илмий услуб лексикаси, синтаксиси бўйича қатор илмий асарлар ўтган асрнинг 60-йилларидаёқ юзага келган эди.¹³ Рус тилшунослигида олиб борилган тадқиқотларга тақлидан, улардаги фикр-мулоҳазаларга методология сифатида таянган ҳолда ўзбек тилшунослигида ҳам мазкур масалаларни ўрганишга бағишланган бир қатор ишлар яратилди¹⁴.

¹¹Алексеев Е.Б., Губанов И.А., Тихомиров В. Ботаническая номенклатура. – Москва, МГУ, 1989 134 с; Герд А.С. Формирование терминологической структуры русского биологического текста. – Ленинград, ЛГУ, 1981. – 112 с.; Горностаев Г.Н., Забинкова Н.Н., Каден Н.Н. Латинские названия животных и растений. – Москва, МГУ, 1974.; Груль И. К вопросу о номинации некоторых биологических терминов / Словообразование и номинативная деривация в славянских языках: Материалы VI Международной науч. конф. – Гродно, В 2-ч. 28-29 мая 1998 г. 211-214 с.; Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – Москва, Наука, 1977.; Ефремов Е.П. Основы теории лексического калькирования: (Учеб. пособие). – Алматы, 1974.; Кауфман С.И. Некоторые особенности стиля американской технической литературы. – Москва, 1962.; Коваль А.П. Структура научного текста: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Киев, 1970.; Крылов Н.А. О словообразовательном анализе в вузе и терминологии словообразования // Уч. зап. Московск. обл. пед. инта. – Москва, 1967. – 197 с.; Лотте Д.С. Как работать над терминологией // Основы и методы изучения терминологии. – Москва, 1968. – 39-48 с.; Фролова О.П. Китайская терминология как лексическая подсистема //Сб. тезисов II Конф. по китайскому языкознанию. – Москва, 1984. – С. 77-79; Цисык А.З., Шевченко Г.И. Дверь в латинский язык и биологическую терминологию. – Минск, 1999.

¹²Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – Москва, Наука, 1977.

¹³Кауфман С.И. Некоторые особенности стиля американской технической литературы. – Москва, 1962; Коваль А.П. Структура научного текста: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Киев, 1970; Крылов Н.А. О словообразовательном анализе в вузе и терминологии словообразования // Уч. зап. Московск. обл. пед. инта. – Москва, 1967. – 197 с.

¹⁴Иброхимов С. Ўзбек тилининг касб-хунар лексикаси. – Тошкент: ЎзФА, 1959; Хатамов Н.Т. Развитие узбекской литературоведческой терминологии в советский период: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1971. – 28 с.; Ақобиров С. Терминология ишнинг мазмуни ва вазифалари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964. – №3. – Б. 36.; Бакаева Х. терминология золотошвейного производства Бухары и Гиждувана: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1970. – 153 с.; Турсунова (Дадахонова) Т. Чеварчилик сўз-терминларининг пайдо бўлиш манбалари / Тилшунослик масалалари. – Тошкент: Фан, 1970. – Б. 3-19.; Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари: Филол. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 1988. – 346 б.; Усманов А.Н. Ўзбек тилида термин ясовчи фаол аффикслар. – Тошкент, 1991; Жамолхонов Ҳ.А. Ўзбек ботаника терминологиясининг таркиб топиши ва ривожланиш тарихидан: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1969. – 23 б.; Ҳожиев А. Термин танлаш мезонлари. – Тошкент: ФАН, 1996; Абдурахмонов Ғ. Терминология муаммолари // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари: 1-республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 3-4.; Дониёров Р. Терминларни тартибга солиш – ҳаётий вазифалардан бири // Ўша манба. – Б. 5-6; Бегматов Э.А. ва бошқ. Ўзбек ономастик терминологияси ва уни нормалаш проблемалари // Ўша манба. – Б. 8-10; Маҳмудов Н., Йўлдошев И. Ўзбек тилидаги кутубхонашунослик ва библиография терминларининг аҳволи ва уларнинг тараққиёт перспективалари // Ўша манба. – Б. 12-14; Маҳкамов Н. Ўзбек тили терминологиясида

Маълумки, муайян тилга термин, асосан, айнан ёки қисман таржима йўли билан қабул қилинади. Бу эса ўзлашмаларнинг формал структур, семантик ва грамматик хусусиятларида баъзан сакталиклар вужудга келишига, чалкашлик, мавхумлик ва кутилмаган ҳолатлар содир бўлишига ҳам сабаб бўладики, бунинг жиддий тадқиқ қилиш, маъновий, имловий, орфоэпик, қулайлик нуқтаи назаридан тегишли муаммоларни ҳал этиш, умуман олганда, терминологик аниқлик ва қулайликка эришиш катта аҳамиятга эга.

Ўзбек тилида аграр соҳани билдирувчи тушунчаларнинг лисоний ифодаси турли шаклий-структур, семантик, генетик, деривацион хусусиятларга эга бўлиб, алоҳида мазмуний майдонни ташкил этади. Маълумки, аграр соҳа терминлари тизими қишлоқ хўжалиги мавзувий тўдасининг таркибий қисмидир. Бу майдон, аввало, тўрт мазмуний майдонни ташкил этади: деҳқончилик; чорвачилик; паррандачилик; балиқчилик.

Деҳқончилик мазмуний майдони, ўз ўрнида, яна ички гуруҳ (лексик-семантик)ларга бўлинади: далачилик; сабзавотчилик; полизчилик; боғдорчилик; ўрмончилик (ўрмон хўжалиги). Деҳқончилик луғавий-мазмуний майдони ўсимликнинг турига қараб, кўплаб ички луғавий-маъновий гуруҳларга бўлинади. Масалан, полизчилик луғавий-маъновий гуруҳи – қовунчилик; қовоқчилик; кўкатчилик каби. Деҳқончилик луғавий-мазмуний майдонини бирлаштирувчи омил унинг бевосита ер ва ўсимлик билан боғлиқлигидир. Демак, ушбу майдонга кирувчи барча лексик бирликлар семантик структурасида ер лексемаси маъносининг “сиқик” ҳолатдаги кўриниши бирлаштирувчи сема (маъно бўлакчаси) вазифасини бажаради.

Маълумки, ўзбек тилида *агр(а/о)* бошланмаси асосида ташкил топган кўплаб терминлар мавжуд: *аграр, аграр ислоҳот, аграр масала, аграр танглик, агробизнес, агробиологик, агробиология, агрогидрология, агроиқлим харитаси, агрокимё, агромелиорация* кабилар¹⁵. Кўринадикки, *агр(а/о)* компонентли бирликлар ер билан бевосита боғлиқ бўлган мазкур соҳага илмий ёндашувни ифодалайди. Ушбу компонент кўзгусида касб-хунар лексик тизими ва илмий терминология фарқини кўрамай. Умуман олганда, деҳқончилик ифодалари “халқ сўзлари” умумий белгисига эга бўлса, *агр(а/о)* компонентли бирликлар “термин” умумий моҳияти билан характерланади.

Инглиз тилида *деҳқончилик* сўзининг муқобили сифатида луғатларда *farming* термини берилган. *Farming noun running a farm, including activities such as keeping animals for sale or for their products and growing crops.*¹⁶ (таржимаси: фермани бошқариш, экин экиш, чорвачилик билан шуғулланиш ёки уларни сотишни ўз ичига оладиган фаолиятлар мажмуи.) Изоҳдан маълум бўлдики,

синонимларнинг плеонастик қўлланилиши / Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 7-20.; Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2017; Дадабаев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI-XIV вв. – Ташкент: Ёзувчи, 1991. – 186 с.; Мирахмедова З. Ўзбек тилининг анатомик терминологияси ва уни тартибга солиш муаммолари. – Тошкент: Фан, 2010; Абдиев М. Соҳа лексикасининг систем таҳлили муаммолари. – Тошкент, 2004.

¹⁵Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 37-38

¹⁶Heather Bateman, Steve Curtis, Katy McAdam Dictionary of Agriculture A & C Black Publishers Ltd 2006, 38 Soho Square. – London 2006 – P. 97.

инглиз тилидаги *farming* сўзи ўзбек тилидаги эквивалентига нисбатан замонавийлик, кўп қирралилик хусусиятларига эга. Чунки у фақат ерга ишлов бериш ва ҳосил олиш маъносидан ташқари чорвачилик ҳамда ушбу фаолиятлар маҳсулотларини сотиш маъноларини ҳам ифодалайди. Ўзбек тилидаги *деҳқончилик* сўзида эса экин экиш ва ҳосил олиш маънолари устунлик қилади.

Деҳқончилик касби билан шуғулланувчи шахс инглиз тилида *farmer* сўзи билан ифодаланади. Merriam Webster энциклопедик луғатида *farm, farmer* сўзлари қуйидагича тавсифланган: “*The medieval farmer was money collector. In the late Middle Ages, it was a common practice to rent or lease land suitable for agricultural purposes for a fixed monetary payment rather than a percentage of the crop. The sum of money to be paid was called ferme-or, in Modern English, farm. 'Farm' comes from the Anglo-French 'fermer, meaning to rent....' It was around the early 16th century that the **farm** was applied to the land held on lease for agricultural purposes, and later to the land used for the raising of crops, regardless of tenancy or ownership. By that century's end, **farmer** was being used in the familiar general sense referring to a person who cultivates land...* (таржимаси: “Ўрта аср деҳқони пул тўпловчи шахс эди. Ўрта асрлар охирига келиб эса, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун яроқли ерларни ҳосилнинг маълум фоизини бериб эмас, белгиланган пул эвазига ижарага бериш амалиётга жорий этилган. Тўланиши керак бўлган пул сўммаси *ferme*, Замонавий Инглиз тили даврида эса *farm* деб аталган. *Farm* француз тилидаги *fermer* сўзидан келиб чиққан бўлиб, ижарага олмоқ деган маънони англатган. 16-аср бошларига келиб фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ижарага олинган ерларга, кейинчалик эса, ижара ёки мулк шаклидан қатъи назар, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун фойдаланиладиган ерларга нисбатан қўлланган. Ўша аср охирига келиб *fermer* атамаси умумий маънода ерга ишлов берадиган одамга нисбатан қўлланила бошлаган.

Демак, деҳқончилик (*farming*) мазмуний майдонига кирувчи инглиз тилидаги *farm* сўзи олти асрлик тарихга эга бўлиб, вақт ўтиши билан унинг мазмунида муайян ўзгаришлар юз берган.

1-жадвал

Аср	15-аср	15-аср охири	16-аср боши	20-21-асрлар
Шакли	<i>ferme</i>	<i>ferme</i>	<i>Farm</i>	<i>Farm</i>
Маъноси	Маблағ тўпловчи	Ер учун тўланиши керак бўлган пул	Қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ижарага олинган ерлар	Ижара ёки мулк шаклидан қатъи назар, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш учун фойдаланиладиган ерлар

Юқорида *деҳқончилик* ва *аграр соҳа* терминларининг ўзаро муносабати лексик-семантик нуқтаи назардан қаралди. Қуйида эса улар орасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни когнитив аспектда кўриб ўтишга ҳаракат қиламиз. Маълумки, фрейм асосидаги таҳлил концептнинг серқирралигини кўрсатувчи,

уни барча қирралари мажмуида қамраб олувчи мажмуавий таҳлил усулидир¹⁷. Ҳар бир фреймда когнитив объектнинг маълум бир қирраси намоён бўлади. Дехқончилик концепти қуйидаги фреймлар мажмуидан иборат: *қишлоқ ҳаётининг ажралмас қисми; ердан ҳосил олувчи соҳа; асосан, суғориш билан иш кўрувчи соҳа; узоқ тарихга эга соҳа; ўтмиш тажрибаларига асосланган соҳа; чорвачилик, балиқчилик ва паррандачиликка ёндош соҳа*. Бу фреймлар бирлашиб, ўзбек миллий онгидаги *деҳқончилик* концептининг моҳиятини ташкил қилади: “Дехқончилик қишлоқ ҳаётининг ўтмиш тажрибаларига асосланган, ердан, асосан, суғориш билан ҳосил олувчи, ажралмас хўжалик соҳаси.”

Аграр соҳанинг концептуал моҳияти эса қуйидагича: “Аграр соҳа қишлоқ хўжалиги (тор маънода, унинг ердан ҳосил олувчи) соҳаси бўлиб, асосан, суғориш билан иш кўрувчи, давлат ва хусусий мулк сифатида мавжуд бўлган, махсус инфраструктурага эга, саноат билан ёндош қаралувчи, илмий асосланган ҳолда ривожлантирилувчи ишлаб чиқариш секторидир.” Бунда концептлараро фарқ бирининг умумхалқ, иккинчисининг илмий моҳиятга эгаллиги билангина эмас, балки биринчисининг умумхалқ, иккинчисининг кўпроқ илмий татбиқ билан боғлиқлигидан ҳам келиб чиқади. 2006 йил Лондонда нашр этилган “Dictionary of Agriculture” изоҳли луғатида *agro* компонентига қуйидагича таъриф берилади: “*agro – prefix referring to agriculture or to the cultivation or management of land.*” (таржимаси: Қишлоқ хўжалигига ва ерга ишлов бериш ёки уни бошқаришга ишора қилувчи префикс, *agri* шаклида ҳам ишлатилади. Ушбу луғатда *agro/agri* компонентли 47 та термин мисоллар асосида тавсифланган: *agrobiodiversity, agrochemical industry, agrochemicals, agroclimatology, agroecology, agroecosystem, agroindustry, agroforestry, agronomist, agronomy; agri-biotechnology, agribusiness, agricultural, Agricultural and Food Research Council, agricultural burning, Agricultural Chemicals Approval Scheme* кабилар.

Инглиз тилидаги *agro* компонентли терминлардан айримларининг лексикографик талқинига эътибор қаратиш жоиз. Масалан: “**agriculture** noun the cultivation of land, including horticulture, fruit growing, crop and seed growing, dairy farming and livestock breeding COMMENT: The use of land to raise crops for eating first started about 10,000 years ago. All plants grown for food have been developed over many centuries from wild plants, which have been progressively bred to give the best yields in different types of environment. Genes from wild plants are likely to be more hardy and resistant to disease, and are still kept in gene banks to strengthen new cultivated varieties.” (таржимаси: “*Agriculture* от, ерга ишлов бериш, ўз ичига полизчилик, боғдорчилик, чорвачилик, экин ва уруғчиликни олувчи соҳа. Мисол: *Озиқ овқат мақсадида ерда экинларни етиштириш тахминан 10 минг йил олдин бошланган. Барча ўсимликлар озуқа мақсадида кўплаб йиллар давомида табиатга мос равишда хонакилаштирилган. Ёввойи*

¹⁷Минский М. Фреймы для представления знаний / Пер. с англ. – Москва, Энергия, 1979. – 152 с.; Краткий словарь когнитивных терминов / Е.С.Кубрякова, В.З.Демьянков, Ю.Г.Панкрац, Л.Г.Лузина. – Москва, 1966.

ўсимликлар генлари янги ўсимлик навларининг яратилишида касалликларга чидамлилиги учун асос бўлиб хизмат қилади.¹⁸

Agricultural labourer, noun a person who does heavy work on a farm, formerly a rural worker with no land, and sometimes still a worker with a special skill, such as ditching or hedging. (таржимаси: Қишлоқ хўжалиги ишчиси, фермер хўжалигида оғир ишларни бажарувчи шахс; ерсиз қишлоқ ишчиси; қазил ва қовлаш бўйича малакали ишчи.) Таржимадан маълум бўладики, ўзбек тилидаги ерсиз деҳқон тушунчасининг инглиз тилидаги муқобилида концептуаллик кўпроқ намоён бўлади.

Деҳқончилик концепти деҳқон тушунчаси билан ҳам диалектик боғлиқликда мавжуд бўлса, *аграр соҳа* ифодаси *фермер, агротехник, агроном, агрохимик, агробиолог, агрофизик, агроинженер* каби кўплаб соҳа мутахассисларини ифодаловчи бирликлар билан боғлиқликда намоён бўлади. Зеро, аграр соҳа замонавий ишлаб чиқариш соҳаси бўлганлиги сабабли унда профессионаллашув ва ихтисослашувнинг ўзига хос кўринишларини кузатамиз. Деҳқончиликда эса бундай меҳнат тақсмотини кўрмаймиз. Деҳқон унда универсал ишлаб чиқарувчи куч сифатида намоён бўлади.

Ўзбек аграр соҳаси терминологиясида *мелиорация* термини рус (РФ) ёки инглиз (Буюк Британия) тилларидаги қўлланишлари билан категориал жиҳатдан умумийликка эга бўлса-да, соҳанинг иқлимий боғлиқлигидан келиб чиққан ҳолда хусусий ҳолларда фарқли ҳолатларга эга.

Термин барча тиллар учун умумий ва барқарор бўлган “ернинг унумдорлигини тубдан яхшилашга қаратилган ташкилий-хўжалик, муҳандислик ва агротехник тадбирлар туркуми” концептуал моҳиятга эга. Бироқ у ишлов бериладиган ер мансуб географик муҳитнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда хусусийлик касб этади: совуқ иқлим шароитидаги мелиорация; ўрта иқлим шароитидаги мелиорация; иссиқ иқлим шароитидаги мелиорация. Албатта, бу ижтимоий лисоний тасниф нисбий ва шартли бўлиб, махсус географик таснифлардан анча содда бўлиши мумкин. Бироқ ҳолатни умумий ва ёрқинроқ тасаввур этиш учун ундан фойдаланилди.

Ўзбекистон ҳудудидаги мелиорация ишларининг ўзига хослиги ўзбек лисоний онгида *мелиорация* терминининг ўзига хос тушунилишига сабаб бўлади. Маълумки, мамлакатимизда ноқулай сув режимига эга бўлган (қурғоқчил, ортиқча зах босган, чўл ва ярим чўл ҳудудлар), ноқулай физик ва кимёвий хоссали (шўрхок, қумли, оғир, берчлашган, зичлашган тупроқлар), сув ва шамол таъсирида эрозияга учраган ерлар суғориладиган чўл ҳудудларида кўп бўлиб, у Ўзбекистон аграр соҳасининг асосий қамровини ташкил қилади¹⁹.

Совуқ ўлкаларда мелиорация сув тошқини, ботқоқликларни бартараф қилиш, ёнғинга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби қатор

¹⁸Heather Bateman, Steve Curtis, Katy Mc Adam. Dictionary of agriculture © A & C Black Publishers Ltd 2006 38 Soho Square, London, 2006 – P. 7

¹⁹ Ирригация Узбекистана: т. 1-4. – Ташкент, 1976. – С. 81; Ахмедов Х.А. Суғориш мелиорацияси. – Тошкент, 1977; Муҳаммаджонов А. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. – Тошкент, 1972; Камилов О.К. Мелиорация засоленных почв Узбекистана. – Ташкент, 1985; Решетов Г.Г. Мелиорация новоосваиваемых почв Узбекистана. – Ташкент, 1986; Мелиорация земель в Узбекистане. – Ташкент, 1986.

амалиётларни ўз ичига олган бўлиб, бу терминологик концептда ҳам ўз аксини топади. Хусусан, Россия ҳудудида мелиорация ишлари нисбатан чекланган бўлиб, бу сўз ўзбек тилидагидек қўлланиш даражаси ва моҳиятига эга эмас. Ерни дарахт ва буталардан тозалаш, яйловлашишдан сақлаш, агролесомелиорация, ерни куришти (ботқоқликларни қочириш), чўллашишдан асраш каби қатор мелиоратив амалиётлар мавжудки, буларни биз мамлакатимиз ҳудудида учратмаймиз.

Демак, ўзбек тилидаги *мелиорация* термини қуйидаги фреймларда ўз моҳиятини намоён қилади: ўзбек деҳқончилигининг таркибий қисми; сув билан таъминлаш тадбирлари мажмуи; ерни зах сувлар ва тузлардан тозалаш тадбирлари мажмуи; ер сифатини сақлаб қолиш ва яхшилаш учун ўсимликларни ўзига хос тарзда экиш тадбирлари мажмуи; эрозияга қарши махсус ўрмончилик тадбирлари.

Ишнинг иккинчи боби “**Аграр соҳа терминларининг инглиз тилидаги лисоний қиймати ва уларнинг таржима луғатларда берилиши**” деб номланган бўлиб, унинг таркибида инглиз тили агротерминларининг лексикографик талқини масаласи ёритилган.

Бобнинг биринчи фаслида ўзбек тилидаги агротерминлар термин ўзлаштириш тамойиллари асосида таҳлилга тортилган. Инглиз тилидаги аграр соҳа терминларни ўзлаштиришда айнанлик ва муайянлик тамойиллари устуворлик қилади. Чунки инглиз тилидаги аграр соҳа терминлари асосан латин ва грек тилларидан тўғридан тўғри, қисман эса немис ва француз тиллари орқали ўзлашган. Шу ўринда *agrarian* термини ва *agro-* элементининг лексикографик тавсифларига эътибор қаратамиз: *agrarian* (**adj.**) 1610 s, "relating to the land", from French *agrarienne*, from Latin *agrarius* "of the land", from *ager* (genitive *agri*) "a field", from PIE root **agro-** "field." Specialized meaning "having to do with cultivated land" first recorded 1792. Originally, and often subsequently, "pertaining to the division or sharing of landed property," which was the Roman sense. Earlier in English as *agrarie* (1530s), from Latin *agraria*²⁰.

Agro Proto-Indo-European root meaning "field"; probably a derivative of root ***ag-** "to drive, draw out or forth, move." It forms all or part of: acorn; acre; agrarian; agriculture; agriology; agro-; agronomy; onager; peregrinate; peregrination; peregrine; pilgrim stavesacre. It is the hypothetical source of/evidence for its existence is provided by: Sanskrit *ajras* "plain, open country". Greek *agros* "field", Latin *ager* (genitive *agri*) "a field" Gothic *akrs*, Old English²¹.

Тилларнинг бойиш манбаларидан бири ўзга тиллардир. Бугунги глобаллашув шароитида бу тенденция янада кучаймоқда. Интернет тизимидан фойдаланиш жадаллашиши натижасида бир пайтнинг ўзида тилларнинг бойиши жуда кўп тилларнинг ўлиши жараёни билан бирга кечмоқда. Бугунги глобаллашув шароитида тилларнинг бошқа тиллардан, аниқроғи, инглиз тилидан ўзлашган сўзларни, бошқа тилларга хос сўзларнинг инглиз тили

²⁰Oxford University Press Print Publication Date:2019 Print ISBN-13:9780199654406 Published online:2019 Current Online Version:2019 DOI:10.1093/acref/9780199654406.001.0001

²¹Online Etimological Dictionary in English.

имлоси ва талаффузига мослашган вариантларини қабул қилиш жараёни шиддатли тус олмақда.

Маълумки, ўзбек тилига аграр соҳага тегишли кўплаб терминлар ўзлашганки, уларнинг ўзлашиш сабаблари, қулайлик ва мақбул жиҳатлари, терминлар маъно-моҳиятининг ўз тилимиздаги нисбий муқобили мавжуд сўзларга муносабати масалаларини текшириш ва ойдинлаштириш ҳамда тегишли хулосалар бериш зарурати мавжуд. Ўзбек тилига ўзлашган аграр соҳа терминларини ўзлашиш сабабларига кўра таснифлаш ушбу хулосаларни беришнинг асосини ташкил қилади.

Ўзбек тилига ўзлашган аграр соҳа терминларини икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ўзбек тилида муқобил лексемаси бўлмаган, лакунани тўлдирувчи аграр соҳа терминлари: *агробизнес, агробиологик, агробиология, агробиоценоз, агрогидрология, агроирригацион* каби.

2. Ўзбек тилида нисбий муқобил лексемаси бўлган аграр соҳа терминлари: *аграр соҳа – деҳқончилик, вегетация – ривожланиш, вегетация даври – ривожланиш даври, мелиорация – яхшилаш, чеканка – чилпиш, культиватор – культивацияловчи* каби.

Инглиз тилидаги агротерминлар эса асосан муқобил лексемаси бўлмаган, лакунани тўлдирувчи терминлар сифатида грек, лотин, француз ва немис тилларидан ўзлашган. Бунда ушбу тиллар ва инглиз тили ўртасидаги географик ва маданий яқинлик асосий мезон бўлиб хизмат қилган.

Иккинчи бобнинг иккинчи фаслида аграр соҳа терминларининг инглиз тилидаги лисоний қиймати масаласи таҳлил қилинади. Инглиз тилидаги ***melioration*** терминининг концептуал моҳиятини очиш ва тавсифлаш устида тўхталамиз. Терминга www.collinsdictionary.com сайтида атрофлича тавсиф берилган.

Бу луғатлардаги терминлар концептуал моҳиятининг тармоқланишида кўпроқ Европа минтақаси ер хусусиятлари инобатга олинганлиги кўзга ташланади. Тўғри, айрим ҳолларда, суғорма деҳқончиликка асосланган Осиё ҳудудидаги ерларнинг мелиоратив ҳолатларини тавсифловчи компонентлар ҳам бор. *Melioration* терминининг концептуал моҳиятининг илк бўлиниши қуйидагича бўлиб, уларда байналмилаллик, хусусан, ўзбек тилидаги талқинларга ўхшаш жиҳатлар дастлабки икки тармоқда кўзга яққол ташланади: *гидромелиорация; агроўрмонмелиорацияси; культуртехник мелиорация; кимёвий мелиорация. Культуртехник мелиорация* – мелиорацияланаётган ерларни дарахт

ва бута ўсимликларидан, илдиз, мох ва лишайниклардан, тош ва бошқа предметлардан тозалаш; ерни ағдариш, қумоқлаш, тупроқлаш, тупроқ солиш, плантаж ва тупроққа бирламчи ишлов бериш; бошқа культуртехник ишлар. *Кимёвий мелиорация* – ерни оҳак билан ўғитлаш, фосфоритлаш, гипслаш.

Инглиз тилидаги талқинларда *melioration* терминининг биринчи қирраси бўлган *гидромелиорация* маъно туридаги қуйидаги ҳолатларни ўзбек лисоний онгида кузатмаймиз: қуриштириш тадбири; тошқинга қарши тадбир; селга қарши тадбир. Инглиз тилидаги *melioration* терминининг концептуал моҳияти

структурасини қуйидагича бериш мумкин. Биринчи босқичда термин моҳиятининг умуммиллий табиати намоён бўлади: – гидромелиорация; – агромелиорация; – культуртехник мелиорация; – кимёвий мелиорация. Кейинги босқичда терминнинг Европача миллий тафаккурга хос жиҳатлари намоён бўлади: *гидромелиорация*: “қуритиш тадбири”; “тошқинга қарши тадбир”; “селга қарши тадбир”. *агромелиорация*: – “ўрмонлаштириш”; – “яйловлаштириш”; – “яйловлаштиришга қарши кураш”. *культурмелиорация*: – “ўрмон қолдиқларидан тозалаш”; – “ҳар хил предметлардан тозалаш”; – “қумоқлаш”. *кимёвий мелиорация*: – “оҳаклаш”; – “гипслаш”.

Шу асосда, европа халқлари миллий онгида *melioration* термини “деҳқончилик учун мўлжалланган ер ботқоқликларини қуритиш, тошқин ва селга қарши чоралар, ўрмонлаштириш, яйловлаштириш ва яйловлаштиришга қарши кураш, ўрмон қолдиқлари ва ҳар хил предметлардан тозалаш, қумоқлаш, оҳаклаш, гипслаш каби чора-тадбирлар мажмуи” концептуал моҳиятига эгаллиги ҳақидаги хулосага келиш мумкин.

Агротерминларнинг инглизча-ўзбекча таржима луғатларида берилиши масаласи таҳлили бобнинг учинчи фаслида ёритилган. Агротерминларнинг инглизча-ўзбекча луғатларда берилиши таҳлили учун нисбатан кўп сўзни қамраб олган Ш.Бутаевнинг луғати²²ни танладик.

Барча таржима луғатларда бўлгани каби сўз, унинг транскрипцияси ва таржимасидан иборат луғат мақоласида бирликнинг агротермин эканлиги ҳақида махсус белги бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Таҳлил учун луғат мақоласи келтирилган ўринларда транскрипция четлаб ўтилди ҳамда сўз/термин, унинг таржимадаги маънолари, бирикувчилари келтирилди. Хусусан, ўзбек тилидаги *культуриватор* – *культуривацияловчи* каби ҳамда уларнинг маъноси билан боғлиқ бўлган терминлар ушбу луғат таркибида қуйидагича берилади: **cultivate**_v yerni haydamoq; yerga ishlov bermoq, o‘stirmoq, yetishtirmoq²³. **cultivated** 1. p. p. cultivate dan; 2. a 1) ishlov berilgan; 2) tarbiya ko‘rgan. **cultivation**_n 1) ishlov berish; 2) ekish, o‘stirish; yetishtirish. **cultivator**_n 1) dehqon, ziroatchi; 2) q.x. kultivator (haydalgan yerni yumshatish, begona o‘tlarni yo‘qotish va ekin qator oralarini ishlash uchun xizmat qiladigan qishloq xo‘jalik mashinasi).

Лексик маъноси ўзаро яқинлик касб этувчи ушбу луғат мақолалари тавсифидан кўриняптики, инглиз тилида *культуриватор*, *культуривацияланган* (*ишлов берилган*), *ишлов бериш*, *экиш*, *культуриватор* (шахс ва предмет) каби сўзлар терминологик маънони ифодалашга хизмат қилади. Гарчи қайд қилинган бирликларнинг барчасида уларнинг соҳа термини эканлигига ишора қилувчи махсус лексикографик белги – помета бўлмаса-да, мазмунан инглиз тилида ҳам терминологик қўлланишда иштирок этиши, соҳавий тушунча ва ҳодисаларни ифодалаб келиши яққол кўриниб турибди.

²²Butayev Sh., Irisqulov A. English-uzbek Uzbek-English Dictionary (70.000 words and expressions) / Inglizcha-o‘zbekcha o‘zbekcha-inglizcha lug‘at (70.000 so‘z va ibora). – Toshkent: Fan, 2009. – B. 848

²³Агротерминларнинг инглизча-ўзбекча луғатларда берилиши таҳлили Ш.Бутаев ва А.Ирисқуловларнинг луғати асосида амалга оширилди: English-Uzbek Uzbek-English Dictionary (70.000 words and expressions) / Inglizcha-o‘zbekcha o‘zbekcha-inglizcha lug‘at (70.000 so‘z va ibora). – Toshkent: Fan, 2009. –B. 848

Ўзбек тили лексикаси ва соҳа терминологиясида фаол ва кенг қўлланувчи *деҳқон* терминининг инглиз тили лексикасидаги эквивалентларини ўрганиш жараёнида ушбу тил бирлигининг яна бошқа сўз/терминлар билан ҳам ифодаланиши кузатилди: **farmer**_n *termer*; *cattle* ~ *chorvador*; *chorvachilik* *fermasining egasi*; *collective* ~ *jamo'a xo'jaligida ishlovchi kishi*; 2) *ijarachi*, *ijaraga oluvchi*. **farm-hand**_n *qishloq xo'jaligi ishchisi*.

Кўринадики, юқорида келтирилган сўзлар қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, тушунчалари билан алоқадорлик касб этиб, маъновий жиҳатдан ўзаро яқинлик асосида алоҳида синонимик қаторни ҳосил қила олади:

cultivator, farmer, farm-hand.

Аграр соҳа ва деҳқончилик билан боғлиқ бўлган тушунча ва воқеликларни ифодаловчи терминлар (*farm-house, farming, farmstead*) гуруҳига мансублик касб этувчи лексик бирликлар таржима луғатда қуйидагича тавсифланади:

farm-house_n *qishloq xo'jaligidagi turar joy (uy)*.

farming_n 1) *qishloq xo'jaligi bilan shug'ullanish, dehqonchilik*; 2) *qishloq xo'jaligi*.

farmstead_n 1) *qo'rg'oncha, qishloqcha*; 2) *hovli-joy*; 3) *qo'rg'on (Jamo'a xo'jaligining uy-joylar va xo'jalik binolari bo'lgan shahar tipidagi qishloq)*.

Луғатнинг ўзбек-инглиз йўналишли таржима қисмида деҳқончилик билан боғлиқ сўзлар кузатуви яна янги сўзларни тақдим этди:

dehqon_n *peasant: farmer, agriculturalist; versiz ~ landless peasant*.

dehqonchilik_n *agriculture, fanning*.

Ўзбек тили лексикасида мелиорация – яхшилаш мазмунини ифодаловчи терминлар эквиваленти орасида кўп маъноли сўзларнинг бир маъноси терминологик (атамавий), иккинчи маъноси агротерминга мансуб бўлмаган маъно ифодаладиган ҳолатлар ҳам учрайди:

meliorate_v 1) *yaxshilanmoq, tuzalmoq*; 2) *yaroqli holga keltirmoq*.

meliorativ_a *land-reclamation, land-improvement*.

melioratsiya_n *land-reclamation*.

Бу ҳодиса ўзбек тилшунослигида лексик бирликларнинг алоҳида тури сифатида талқин қилинган: “Ўзларида ҳам умумистеъмол, ҳам ундан ўсиб чиққан терминологик маънони ташувчи ифодаларни ҳамроҳ моҳиятли терминлар сифатида бериш мумкин. Ҳамроҳ моҳиятли терминлар терминологик тизим билан апеллятив лексикани боғлаб турувчи, тил лексикасининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминловчи, шу билан бирга, тилнинг системавийлиги қонунини реаллаштирувчи ва намоён қилувчи ҳодисалардир.”²⁴ Тадқиқотчининг ёндашувида кўра, битта луғавий бирлик семантик таркибида ҳам умумлексик, ҳам терминологик маъно мужассамлашган бўлса, у ҳамроҳ моҳиятли сўз-термин деб қаралмоқда. Бу сингари лексик бирликларнинг умумлексик ва терминга хос маъноларини умумфилологик луғатларда акс эттириш мумкин, лекин соҳавий, терминлар

²⁴Нарходжаева Х. Ўзбек тилида жараён англатувчи терминларнинг лингвистик хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалс. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – Б. 19.

луғатларида эса ҳамроҳ моҳиятли терминларнинг фақат терминологик маъносини келтириш ўринли бўлади.

Таъкидлаш керакки, қиёсий-типологик аспектда тадқиқ этилаётган тиллар лексикасида эквивалентлик, асосан, содда ва қўшма сўз шаклидаги сўзлар орасида учрайди. Аммо бирикма шаклидаги терминлар умумий лингвистик луғатларда берилмайди. Бундай бирикмаларнинг тавсифи ва таржимаси махсус соҳа луғатларида келтирилиши мумкин. Юқорида келтирилган таркибли терминлар махсус ўзбек-инглиз тили агротерминлар луғатидангина ўрин олиши ва изоҳланиши мумкин. Шу сабабли кўп тилли терминлар луғати яратиш доим долзарб бўлиб туради. Зеро, глобаллашув даврида турли соҳаларнинг кўп (икки, уч, тўрт) тилли луғатларга бўлган эҳтиёжи ортиб боради.

“Ўзбек тилидаги ўз қатлам агротерминларнинг лисоний-структур хусусиятлари ва лексикографик талқини” деб номланган учинчи бобда ўзбек тилидаги туркий агротерминларнинг лисоний-структур хусусиятлари, маъновий кўлами, агротерминология тараққиёти ва унда лексикографик талқин муаммоси хусусидаги таҳлил ва тавсифлар ўрин олган.

Дехқончилик, аграр соҳа терминлари тизими ҳам ҳар қандай илмий терминосистема каби тушунчаларнинг шунчаки рўйхати эмас, балки ўзига хос семиологик тизимдир. Ўзбек тилининг алоҳида мазмуний майдонини ташкил этган аграр соҳани билдирувчи тушунчаларнинг лисоний ифодаси турли шаклий-структур, семантик, генетик, деривацион хусусиятларга эга саналиб, ўзига ёндош бошқа терминлар тизими билан умумийлик ва алоҳидалик касб этади.

Маълумки, деҳқончилик ва аграр соҳа ўзаро зич ва мустаҳкам алоқадорликда. Шу боис мазкур тушунчалар билан боғлиқ терминлар маъно таркибида ерга ишлов бериш, суғориш, ҳосил олиш, илмий ёндашиш билан боғлиқ тушунча ва маънолар етакчилик қилади.

Бугунги ўзбек тили агротерминлар тизими ибтидоий деҳқончилик ва замонавий аграр соҳанинг уйғунлашган нуқтасидаги тушунча ва ҳодисаларни ифодаловчи турли ифода ва маъноларга эга бўлган терминлардан таркиб топган. Ўзбек тили агротерминларини ўз ва ўзлашганлик нуқтаи назаридан қуйидагича таснифлаш мумкин: ўз қатлам (умумтуркий ва ўзбекча терминлар); ўзлашган қатлам: арабча агротерминлар; форсча агротерминлар; русча агротерминлар; байналмилал агротерминлар.

Ўзбек тилининг тарихи билан боғлиқ ёзма манба ва тадқиқотларга кўра²⁵, ўзбек тилининг умумтуркий ва ўзбекча агротерминлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш лозим: *ариқ, бугдой, бурчоқ, бўйинтуруқ, ирмоқ, бошоқ, аланг, чечак, майса, кунжут, экин, элма, сочма, терим кабилар*.

²⁵Кошғарий М. Девони луғот-ит турк. 1-3 жилдлар. – Тошкент: ФАН, 1960-1963. – 142 б.; Древнетюркский словарь. – Ленинград: Наука, 1969; Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилд. 1-5-жилдлар. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006-2008; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: Университет, 2009. – 284 б.; Ат-туҳфатул закияту филлуғат-ит туркия. (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов). – Тошкент: ФАН, 1968. – 280 б.; Деҳқончилик сўзларининг қисқача изоҳли луғати. (Тузувчи: Жабборов Х.) – Қарши: Насаф, 2016. – 296 б.; Жабборов Х. Ўзбек тилининг деҳқончилик лексикаси. – Тошкент: ФАН, 2011. – 160 б.

Ўзбек тили агротерминлари тизимидаги туркий тилга хос бирликларни белгилаш ва аниқлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилувчи “Девону луғотит турк” асарида сув ва сувчилик тушунчалари билан боғлиқ 1200 дан сўз ва термин мавжудлиги аниқланган²⁶. *Сувламоқ, ақинди сув, сузунди сув, сузук сув, сувлағ, сувсамоқ, сувғармоқ, оқмоқ* каби умумтуркий қатламга мансуб атамаларни мисол сифатида келтириш мумкин.

“Ўзбек тилининг деҳқончилик лексикаси” асарида сув атамаси қадимги туркий тилда 30 га яқин, ҳозирги ўзбек тилида 700 дан ортиқ лексик бирликларнинг ясалишига асос бўлганлиги ҳақида маълумот берилиб, қуйидагилар сув тушунчаси билан бевосита боғлиқ содда ва қўшма тузилишли деҳқончилик терминлари сифатида қайд қилинади: “*кўчат сув, сувканал, сувтўғон, сув омбор, биринчи сув, кўлмак сув, турғун сув, сувчи, сувдон, сариқ сув, сув йиғмоқ, қоқсув, сувланмоқ, сувсинмоқ, сув қуймоқ...*”²⁷.

Рус олими С.В. Гринев томонидан умуман терминлар структур жиҳатдан термин-сўзлар ва термин-бирикмалар (икки ва ундан ортиқ ўзакли лексемалар)га ажратилади²⁸. Ана шу таснифга асосланиб ўзбек тили агротерминларини структур жиҳатдан содда ва мураккаб шаклларга ажратамиз. Содда тузилишли терминлар ўз ва ўзлашма қатламга оид бирликлар саналса, мураккаб тузилишли турлари, асосан, ўз қатлам терминларидир.

Инглиз тилидаги аграр соҳа терминларининг Ҳайзер Бетменнинг луғати асосидаги таҳлил натижаси қуйидаги хулосаларни тақдим қилди: луғатга инглиз тилида қўлланувчи 6 мингта сўз берилган бўлиб, улар тузилиш таркибига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

2-жадвал

Таркиби	Миқдори	Фоиш
Қисқартмалар	405	7%
Бир компонентли агротерминлар	3109	52%
Икки компонентли агротерминлар	1942	32%
Уч компонентли агротерминлар	393	6.5%
Тўрт ва ундан ортиқ компонентли агротерминлар	151	2.5%
Жами	6000	100%

Кўринадики, инглиз тилида аграр соҳа терминларининг катта миқдорини бир компонентли бирликлар ташкил этади. Жумладан: *agrarian* қишлоқ хўжалигига оид, *anther* гулхона, *arable* экин экиладиган, *are* 100 метр кв ифодаловчи ўлчов бирлиги, *arid* лалмикор ер, *aril* уруғнинг устки қисми, пўсти, *ass* хачир, *avian* қушларга оид, *axil* поя, *awn* бошоқ.

Икки компонентли терминлар *bald faced* ола, оқ қора, *bale buster* озуқа ем хашакларни пресшлаш машинаси, *bare fallow* ҳайдалган, аммо бегона ўтлардан тозалаш мақсадида экин экилмаган ер, *bastard fallow* алмашлаб экиладиган ер, *batch drying* озуқаларни қуриштириш жараёни.

²⁶Айтбаев Д.П. М.Кошғарийнинг “Девону луғот-ит турк” асаридаги сув илми атамалари ва гидрографик маълумотлар ҳақида // Ўзбекистон география жамияти ахбороти, 1999. 20-жилд. – Б. 178-181.

²⁷Жабборов Х. Ўзбек тилининг деҳқончилик лексикаси. – Тошкент: ФАН, 2011. – 160 б. – Б. 49.

²⁸Гринев С.В. Терминоведение. – Москва, Академия, 2008. С 237.

Уч компонентли агротерминлар *best-before date* яроқлилик муддати, *big bale silage* катта силос преси, *biscuit-making quality* доннинг пиширик учун тайёрлик хусусияти, *brown foot rot* буғдой кўчатларига таъсир қиладиган касаллик, *cabbage white butterfly* ўсимликларни зарарловчи оқ капалак, *chemical food poisoning* озуқанинг кимёвий заҳарланиши.

Тўрт ва ундан ортиқ компонентли агротерминлар *finger wheel swath turner* ҳосилни йиғиб олиш машинаси, *local air quality management* муайян бир ҳудуднинг атмосферасини яхшилаш жараёни.

Инглиз тили агротерминлари деривациясида содда ясама агротерминларнинг деривацион қолипларини қуйидачи умумлаштирамыз:

1. [noun+ic]=adjective: *acidic, genetic, genomic, nomadic, organic*; 2. [noun+ing]=noun: *gleying, farming, goatling, grading, point inwintering lambing rustling..*; 3. [noun+at] =noun: *habitat...*; 4. [noun+ery/re]=noun: *hatchery...*; 5. [noun+er/or]=noun: *farmer, harvester, irrigator, keeper, producer...*; 6. [noun+fy]=verb: *acidify, humidify...*; 7. [verb+th]=noun: *growth...*; 8. [verb+r]=noun: *activator, cultivator...*; 9. [verb+tion]=noun: *aeration, afforestation, immunization, infestation, infection, infestation, injection, irradiation, isolation...*; 10. [noun+al/l]=adjective: *marginal, natural, nutritional...*; 11. [verb+ent]=adjective: *persistent...*; 12. [inter+noun]=noun: *intercrop, intercropping, interculture, internode* кабилар.

Таҳлиллар жараёни шуни кўрсатдики, инглиз тилида аграр соҳа терминларининг морфологик таркибини асосан от, сифат ва феъллар ташкил қилади.

3-жадвал

Сўз туркумлари номи	От	Феъл	Сифат	Равиш ва бошқалар
Фоизи %	80	12	5	3
Сони	4804	726	302	168

ХУЛОСА

1. Ўзбекистонда туб аграр ислохотларнинг амалга оширилганлиги, соҳада мулкӣ муносабатлар қонуний асосларининг яратилганлиги, бунинг натижасида юз берган кенг қамровли ижтимоӣ ўзгаришлар миллий лисоний онгда ҳам улкан янгиланишларни вужудга келтирди, ижтимоӣ ҳаёт, ижтимоӣ тафаккур ва тил яхлитлиги борлиқнинг лисоний таснифи борасида муҳим ўзгаришларни шакллантирди.

2. Аграр соҳа терминлари тизими “қишлоқ хўжалиги” мавзувий тўдасининг таркибий қисми сифатида “деҳқончилик” мазмуний майдонни ташкил этиб, *далачилик, сабзавотчилик, полизчилик, боғдорчилик, ўрмончилик (ўрмон хўжалиги)* лексик-семантик гуруҳларга бўлинади. *Агр(a/o)* компонентли бирликлар ер билан бевосита боғлиқ бўлган деҳқончилик соҳасига илмий ёндашувни ифодалайди.

3. *Дехқончилик* концепти *қишлоқ ҳаётининг ажралмас қисми, ердан ҳосил олувчи соҳа, асосан, суғориш билан иш кўрувчи соҳа, узоқ тарихга эга соҳа, ўтмиш тажрибаларига асосланган соҳа* каби фреймлардан таркиб топган. *Аграр соҳа*нинг концептуал моҳияти “қишлоқ хўжалиги (тор маънода, унинг ердан ҳосил олувчи) соҳаси бўлиб, асосан, суғориш билан иш кўрувчи, давлат ва хусусий мулк сифатида мавжуд бўлган, махсус инфраструктурага эга, саноат билан ёндош қаралувчи, илмий асосланган ҳолда ривожлантирилувчи ишлаб чиқариш сектори”дан иборат. Аграр соҳа терминларининг лисоний қиймати умуммиллий ва миллий тафаккурга хос жиҳатлар билан белгиланади.

4. Ўзбек тилига ўзлашган аграр соҳа терминлари муқобили мавжуд-мавжуд эмаслигига кўра ўзбек тилида муқобили бўлмаган, лақунани тўлдирувчи аграр соҳа терминлари ва ўзбек тилида нисбий муқобили мавжуд аграр соҳа терминларига бўлинади.

5. Сўз, термин ўзлаштиришда *фарқлаш, тўлдириш, қулайлик, айнанлик, муайянлик, замонавийлик* каби тамойиллар муҳим аҳамият касб этади. Инглиз тилидаги аграр соҳа терминларининг ўзлаштирилишида *айнанлик, муайянлик* тамойиллари муҳим аҳамиятга эга.

6. Қиёсий-типологик аспектда тадқиқ этилаётган тиллар лексикасида эквивалентлик, асосан, содда ва қўшма сўз шаклидаги бирликлар орасида учрайди. Таркибли терминлар умумий лингвистик луғатларда берилмайди, улар махсус ўзбек-инглиз тили агротерминлари луғатида изоҳланади. Шу сабабли кўп тилли терминлар луғати яратиш доим долзарб бўлиб туради. Зеро, глобаллашув даврида турли соҳаларнинг кўп (икки, уч, тўрт) тилли луғатларга бўлган эҳтиёжи ортиб боради.

7. Ўзбек тилидаги *деҳқон* терминининг инглиз тилидаги эквивалентлари сифатида *farmer, farm-hand* терминлари қайд қилинади. Ўзбек агротерминлар тизимидаги айрим терминлар (*дренажламоқ*) инглиз тилида фақат турғун сўз бирикмаси таркибида иштирок этади. Айрим инглизча сўзларнинг эквиваленти бир сўз билан берилмайди. Бунинг сабаби шуки, бундай термин ва атамалар, одатда, инглиз маданиятига хос. *Пахта териш машинаси* каби айрим мураккаб таркибли терминлар луғат мақоласи таркибида лексеманинг бирикувчиси сифатида кўрсатилган, аммо бу каби ҳолат барча терминларга тегишли эмас.

8. Ўзбек ва инглиз тилларидаги агротерминларда ҳам кўпмаънолилик ҳодисаси кузатилади. *Агро-* элементи бўлган бирликлар фақат терминологик маъно касб этиб, улар моносемантик эканлиги билан ажралиб туради.

9. Бугунги ўзбек тили агротерминлар тизими ибтидоий деҳқончилик ва замонавий аграр соҳанинг уйғунлашган нуқтасидаги тушунча ва ҳодисаларни ифодаловчи терминлардан таркиб топган. Деҳқончилик ва аграр соҳа терминлари маъно таркибида ерга ишлов бериш, суғориш, ҳосил олиш, илмий ёндашиш билан боғлиқ тушунча ва маънолар етакчилик қилади. Ўзбек тилининг *-(у)ш, -лаш, -лаштириш, -лантириш, -чи, -чилик, -лик* аффикслари воситасида ўз қатламга оид агротерминлар, инглиз тилида эса *-ic, -ing, -er/or, -fy, -r, -tion, al/l, inter+* қўшимчалар воситасида агротерминлар ҳосил бўлган.

10. Ўзбек тилининг аграр соҳа терминларининг ўзлашма қатлами арабча, форсча, русча ва бошқа тиллар агротерминларидан ташкил топган. Инглиз тили

агротерминларининг ўзлашма қатлами эса грек, лотин, француз ва немис тилларидаги қишлоқ хўжалиги терминларидан иборат. Инглиз тили агротерминлари ўзбек тилидаги каби денотатив асосига кўра от, белги билдирувчи, жараён англатувчи агротерминларга бўлинади. Семантик структурасига кўра моносемантик ва полисемантик агротерминларга ажралади.

11. Тил ҳодисаларини когнитив ўрганишнинг ибтидоси *маъно*, *тушунча* ва *концепт* категориясининг кескин фарқланишидир. Бу фарқланиш ва фарқлаш, пировардида, анъанавий ва замонавий лингвистик талқинлар учун зарур категория бўлган *маъно* ва *концепт* категориясини фарқлашга.

**РАЗОВЫЙ ЦИФРОВОЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ PhD. 03 / 31.03.2021. Фил.78.04
ПРИ ТЕРМЕЗСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ КАРШИНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

АЛЛАЯРОВА ЗЕБИНISO БОЙМУРОТОВНА

**ТИПОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ
ТЕРМИНОВ В УЗБЕКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ**

10.00.06 - Сравнительное литературоведение, сравнительное языкознание и переводоведение

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Термез – 2022

Тема докторской диссертации (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2017.3.PHD/Fil309.

Диссертация выполнена в Педагогическом институте Каршинского государственного университета.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) на сайте Ученого совета (termizdu@umail.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» www.ziyo.net.

Научный руководитель:

Менглиев Бахтиёр Раджабович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Саъдуллаева Нилуфар Азимбаевна
доктор филологических наук, доцент

Абдиев Муродқосим Болбекович
доктор филологических наук, профессор

Головная организация:

Узбекский государственный
университет мировых языков

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 в Термезском государственном университете, 2022 г. «22» август в 13 00 г. Адрес: 190111, г. Термез, ул. Баркамол Авлод, ул. 43. Тел: (876) 221-74-55, факс: (876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Термезского государственного университета (зарегистрирован под номером 76). Адрес: город Термез, улица Баркамол Авлод, 43. Тел: (876) 221-74-55.

Автореферат диссертации распространен в 2022 году «15»

(Протокол № 13 от 08 2022 г. «15»)



Б.Б. Муркулов
Ученый совет по присуждению ученых степеней
председатель, доктор филологических наук, профессор

А. Эшмунинов
Ученый совет по присуждению ученых степеней
секретарь, PhD в филологических науки, доцент

Ш. Махмаримова
Ученый совет по присуждению ученых степеней
Председатель научного семинара при
доктор филологических наук,
доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Развитие сфер общественной жизни, масштабные реформы и изменения, происходящие в них, повлекли за собой большие изменения и в национальном языковом сознании. Целостность социальной жизни и мышления, языка и культуры формируют важные изменения в языковой классификации бытия. Развитие сельского хозяйства и аграрного сектора в нашей стране, новые подходы к нему ярко отражаются в лексике сельского хозяйства и терминологии аграрного сектора. В частности, международные аграрные связи, межотраслевая интеграция, формирование и обновление новых понятий в сфере в результате проводимых реформ приводят к качественным и количественным изменениям в структуре существующей терминологической системы. Это требует регулярного изучения и регламентации лексики и терминологии разных языков.

В мировой лингвистике набирают популярность изучение и интерпретация языковых явлений на основе антропоцентрических принципов, дискурса межкультурных отношений, изучение коммуникативно-лингвистических, лингвокультурологических, социолингвистических, когнитивных особенностей языковых единиц. В частности, важно сопоставление терминологических единиц концептосферы аграрной отрасли на понятийной основе, определение языкового значения терминов, сравнительный анализ на основе национальных образцов.

Морфологические, структурно-семантические признаки, лексикографическое описание, сопоставление понятийных признаков агро терминов узбекского и английского языков служат для определения лингвопонятийного значения агротерминов. В период развития и реформирования аграрного сектора, масштабов информационного обмена и постоянно расширяющихся средств, интеграции аграрного сектора и промышленности в нашей стране требуется дальнейшее усиление отношения к иностранным языкам, английскому языку, расширение сферы и применение языков.

«В последние годы в целях обеспечения более глубокой интеграции нашей страны в мировое сообщество создана и широко внедряется комплексная система обучения иностранным языкам, в частности, английскому».¹ Поэтому на основе серьезного подхода к изучению терминов разных языков, сравнительного изучения, совершенствования переводных словарей можно объективно оценить лексику узбекского языка, в частности, систему терминов.

ПФ-4947 Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», 21 октября 2019 года № ПФ-5850 «О мерах по коренному повышению престижа и статуса узбекский язык как государственный» Постановление № PQ-2789 от 17

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 13 мая 2016 года № ПФ-4797 «О создании Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» /Lex.uz.

февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, руководства и финансирования научных исследований», №ПП-2909 от апреля № 20, 2017 г. «О дальнейшем развитии системы высшего образования» Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан № ВМЗ-304 от 22 мая 2017 г. «О дальнейшем совершенствовании системы послевузовского образования», № 610 от 11 августа 2017 г. «О дальнейшем повышении качества преподавания иностранных языков в организациях образования» Обеспечение выполнения задач, поставленных в Постановлении «О мерах» и других нормативных актах Данная диссертационная работа служит в определенной степени.

Соответствие исследования приоритетам развития науки и техники республики. Диссертация выполнена в рамках приоритетов развития науки и техники республики: I. «Формирование системы инновационных идей в социально-правовом, экономическом, культурном, духовно-образовательном развитии информированного общества и демократическое государство и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. Вопросы терминологии всегда находились в центре актуальных вопросов в области языкознания. В мировом языкознании постоянно изучаются вопросы общей и специальной терминологии, образования терминов, их конкретных лексико-семантических, грамматических, терминологических особенностей.² Изучение лингвистических проблем аграрных терминов на разных уровнях уходит в далекое прошлое. Исторический генезис узбекскоязычных аграрных терминов Урхун-Энасайские надписи (VI-VII вв.), Махмуд Кашгари (1029-1101) «Девони луг'отит турк», Юсуф Хос Ходжиб (1020-1075) «Кутадгу билиг», Носириддин Бурхониддин Рабгузий (XII-XIV вв.) «Киссаси Рабгузий», Алишер Навои (1441-1501) «Мухакамат-ул лугъатайн», Захриддин Мухаммад Бабур (1483-1530) «Бобурнома», которые в той или иной степени описаны. В 16 веке садовник по имени Ниязи, живший в Герате, написал труд на персидском языке под названием «Иршад уль Зироат» («Руководство по земледелию»). Один из ее древних экземпляров хранится в рукописном фонде Центра восточных рукописей при Ташкентском государственном юридическом университете. Кроме того, в Когане в 1912 г. с некоторыми дополнениями была опубликована работа Порсоева из Бухары, автор которой неизвестен.³ Вторая работа была переведена Махмудом Хасани и опубликована под названием «Зироатнома». В

² Рондо Г. Введение в терминологию. - Монреаль, 1981 г.; Фельбер Х. Терминология. - Руководство П., 1984; Пандуранган М. Литературные формы и термины. - Ченнаи: Ниветита, 2004 г.; Сью Эллен Райт и Герхард Будин. Справочник по управлению терминологией. - Амстердам: Издательство John Benjamins Publishing Company, 2001. - 564 с.; Алексеева Л.М. Термины и метафоры. - Пермь, 1998; Будагов Р.А. Терминология и семиотика // Изд. Вестник МГУ, 1972; Володина М.Н. Национальное и международное в процессе терминологической номинации. - М., 1993; Герд А.С., Нерознак В.П. Проблемы формирования научной терминологии. - Л., 1968; Дегтерева И.А. Исследование современного содержания и развития терминов литературоведения на материале английской и русской литературоведческой терминологии. - М., 2002. - 194 с.; Лейчик В.М. Проблемы отечественного терминоведения в конце XX века // Вопросы филологии (№2 (5)). - М., 1999; Марчук Ю.Н. Базовая терминография. - М., 1992; Палиевская Ю.Д. Терминология английского литературоведения как система: Дисс. ... канд. филол. наук. - М., 1983; Рождественский Ю.В. О смысловой систематизации терминов. - М., 1972; Татаринов В.А. Теория терминологии. 3тт. - М., 1996.

³ Хасаний М. Кадимий боғдорчилик изоҳли луғати. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016. -Б. 174.

энциклопедии Махмуда ибн Вали «Бахр-уль-Асрар» («Море тайн») подробно описаны существовавшие в прошлом дыни и их названия. Изданный ученым «Толковый словарь древнего садоводства» содержит разъяснения около 1000 среднеазиатских садоводческих терминов на арабском, персидском и узбекском языках. Проведен ряд исследований англоязычных агротерминов, созданы специальные словари, предоставлена подробная информация о полевых терминах. В частности, Сельскохозяйственный словарь был составлен Хайзером Батманном, Стивом Кертисом и Кейт МакАдам. Глоссарий по сельскому хозяйству, окружающей среде и устойчивому развитию Р. Скотта Фрея», «Сельскохозяйственная терминология» А.К.Сингха и Н.П.Сингха, Доктор П. Чандра Шекхара опубликовал руководство для фермера и глоссарий под названием «Справочник фермера по основам сельского хозяйства».⁴

Вопросы терминологии в узбекском языкознании таких лингвистов, как С.Акобиров, Н.Хотамов, Х.Бакаева, Т.Турсунова, О.Усманов, Р.Дониеров, А.Ходжиев, Г.Абдурахманов, Х.Дадабоев, А.Мадвалиев, З. .Мирахмедова училась.⁵ Также Садыкова И.Х., Нурматова С.Х., Нишонов П.П., Ахмедов О.С., Кадирбекова Д.Х., Мирахмедова Х.В., Ходжаева Д.И. такие ученые провели сравнительное изучение терминов узбекского языка с другими языками.⁶

